

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 154 (7.147). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам - Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 30 декабрда, тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 30 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 22 декабрь



- 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида «Даавлат тили ҳақида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини риволантириш бўйича Мубофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вога етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизда "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан ташкил этилган "Энг яхши Меҳрибонлик уйи" ҳамда "Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловлари ниҳоясига етди.
- Самарқандда темир йўл соҳасида Осий тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларнинг якунланиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.
- Алишер Навоий номидаги Кино саройида оқинларнинг халқаро айтишуви ўтказилди.
- Тошкентда "Транспорт, экология ва саломатлик. Транспорт ва Мингйиллик ривожланиш максadлари" мавзусида учинчи халқаро илмий-амалий анжуман ташкиллаштирилди.
- Навоий шаҳрида "Адолат" социал-демократик партияси Навоий вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.
- Вобкент туманида Жарқок-Бухоро-Самарқанд-Тошкент юқори босимли газ қувурига уланган тақсимлаш станцияси ишга туширилди.
- Кегейли туманида ўқитувчи хотин-қизлар ўртасида волейбол ва баскетбол бўйича мусобақа ўтказилди.

Эл назарига тушган фермер



Файрат Пулатов зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, сидқидил меҳнатидан барақа топаётган фидойи фермерлардан. Унинг раҳбарлигидаги "Шоймардон бобо Пулат ўғли" фермер хўжалигини бугун наинки Қашқадарёда, балки мамлакатимизда ҳам яхши билишади. Фермер хўжалиги пахта, галла етиштиришда илғорликни қўлга киритиб, кўп даромад олаётгани билангина эмас, балки жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, эл-юртга камарбаста бўлаётгани билан ҳам йил сайин шуҳрат топиб бормоқда.

Ўтаётган 2006 йил Файрат Пулатов жамоаси учун эсдан чиқмайдиган ажойиб йил бўлди. Юксак минбардан туриб, Президентимиз илғор фермер Файрат Пулатов номи тилга олганлари жамоа аъзолари меҳнатига берилган юксак баҳо эди.

Юртбошимиз раҳнамолигида Ҳаж зиёратига йўл олган Файрат Пулатов билан улғу сафар олдидан гурунглашиб қолдик. "Юракда эртанги кунга ишонч ҳисси бўлмаса, катта ишларга қўл урмайди, - дейди Файрат ака. - Бугун юракда кўр олган ишонч гўё гулҳанга айлангандек. Қарайли, Қорақамар қишлоқларида яшовчи 50 нафар кекса ва ногиронга мурувват ёрдами кўрсатаётганимда, бу ҳаётда нега яшаётганим ва инсонга берилган умр моҳияти нималигини англаб етгандек бўламан. Аслида, инсон учун кўпнинг қорига яраш, қимларгадир камарбаста бўла олиш ва эл назарига тушишдан ортиқ бахт бўлмаган керак. Агар қимда-қим бекис бўйлик ва мол дунёни бахт деб ҳисобласа, каттик англишади. Хар бир инсоннинг бойликлардан ҳам муҳим - имони бут бўлсин. Ватанини, она тупроғини, одамларни сева олсин, менинг назаримда, асл бахт ана шунда.

Фузур тумани марказий шифонаси тез тиббий ёрдам бўлимига 10 миллион сўм маб-



лағни ҳадя қилганимда, бойлигимга бойлик қўшилгандай бўлди. Ахир эл саломатлиги - юрт бойлиги-ку. Эл бойиса, юртда бойлар кўпайса, бундан

режаси 260 фоизга бажарилди. Давлатга 274 тонна ўрнига 460 тонна пахта сотилди. Шунинг 260 тоннаси уруғликка қабул қилинди. 2004 йилда 3 гектар боғ барпо қилинган эди. Бугун эса боғ-роғлар 33 гектарга етди. Файрат Пулатовнинг боғларида Фарғона ва Қуванинг сархил мевалари пишиб етилмоқда. Кўчатларнинг ҳаммаси водийдан олиб келинган. Ўқин қўнларда мевани қайта ишлаш цехи ҳам фаолият кўрсата бошлайди. 200 боғ қўй парваришланапти. Келгусида қорамоличилиги риволантириш учун махсус комплекс барпо қилинмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ўзбекистон диққат-эътиборга молик иқтисодий натижаларни қўлга киритди

Токиода Япония иқтисодий жамғармаси ҳамда Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирилик томонидан мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикасининг сармоявий салоҳияти" мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.

ни очар экан, ўзининг 2000 ва 2002 йиллари республикага ташириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов билан икки мартаба учрашишдек юксак шарафга эга бўлганини алоҳида таъкидлади. У ўзининг қалбидан Ўзбек халқига нисбатан чуқур ҳурмат-этиром жой олганини қайд этиши ба-робарида, республика қисқа вақт ичи-да диққат-эътиборга молик бўлган иқтисодий натижаларни қўлга киритганидан мамнун эканини билдирди.

нафақат мамлакат сиёсий ривожини, балки республиканинг иқтисодий тараққиётига ҳам имкон яратди, - деди Т.Танака.

Эътироф

ламентига киритган Ўзбекистонда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасини юксак баҳолади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасига 2007 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Газета нашр кўрсаткичи - 144

Эътиром

Халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидовнинг самимий, дилга яқин шеърлар битилган китоблари кириб бормаган ўзбек хонедони топилмаसा керак. Унинг дилкаш газаллари, куйга ҳамоҳанг шеърларини хонандалар ҳам шонининг ўзи билан бирдай қуйлаб қолади, десак муболағаси йўқ.

Хассос шоир, моҳир таржимон, ҳозиржавоб публицист Эркин Воҳидов 70 ёшга тўлди. Эл суйган ижодкорнинг бугунги кутлуг ёши билан кўпсонли мушаррийлар номидан муборакбод этамиз ва шонимизга бундан-да юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири

Шафтоли гуллаганда

Бу воқеага етти-саккиз йилча бўлди. Ушанда баҳор чиройли келиб, шафтолилар чунон ҳам гулладики, дала ҳовлимиз димоғини эр-каловчи хушбўй ифорта тўлиб кетди. Қараб кўзим қувонди, кўнглим энтиқиди. Хамид Олимжоннинг машҳур сатрлари ёдимга тушиб яйрадим.

Бугуннинг гали

Касб-коримиздан қатъи назар, барчамиз кундалик бир маълумотга эҳтиёж сезамиз. Аникроги, ундан тезроқ воқиф бўлишимиз келади. Бу эртанги кунги об-ҳаво тўғрисидаги ахборот.

Юртдошларимиз бундай маълумотдан Республика Гидрометеорология маркази жа-

маълумотларга ишонқирамай муносабатда бўлишадигани бор гап. Шу боис марказ мутахассислари билан суҳбатлашиб истаги тугилди.

-Об-ҳаво қандай башорат қилинади?

-Очигини айтиш керак, об-ҳаво қандай бўлишини олдиндан айтиш ўта мушарраб, ўз навбатида мушкул иш, -

дея гап бошлайди Гидрометеорология маркази бош синоптики Фотима Қосимова. - Биз - марказ мутахассислари об-ҳаво тўғрисидаги маълумотни айтишда, таъбир жоиз бўлса, етти эмас, етмиш ўлаб бир кесамиз.

Дастлаб республикамиз ҳудудидagi метеостанциялардан ахборотлар жамланган. Сўнг қўшни давлатлар ҳамда бутун дунё бўйича метеорологик кузатувчиларнинг об-ҳаво ҳақидаги маълумотларини қабул қиламиз.

(Давоми 2-бетда)

Оламда нима гап?



YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL

Фаластин учун ёрдам

Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббас ва Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт минтақадаги вазиятларни барқарорлаштириш борасида юзма-юз музокара олиб бориши.



Террорчилар маконига зарба

Эфиопия ҳарбий кучлари Сомалида жангариларга ҳаво зарбаларини беришни бошлади.

Эфиопия ахборот вазири Берхан Хайлунинг таъкидлашича, Сомали ҳукуматининг қўллаб-қувватлови остида ўтаётган бу амалиётни экстремистлар ҳужумига қарши ҳимоялашни деб атади. Хабарларга кўра, бомбардировкалар оқибатида Афғонистон ва Судандан келиб Сомалида қўнган топган террорчиларнинг 700 дан зиёди йўқ қилинган. Ҳукумат кучларининг 10 нафар аскари ҳалок бўлган. Шу йилнинг 18 сентябрыда террорчилар Сомали президенти Абдулла Юсуф Аҳмадга суиқасд уюштириб, ҳукуматни қўлга олишни режалаштирган эди. Шундан сўнг мамлакат раҳбари Эфиопиядан террорчиларни бартараф этишда ёрдам сураган.

Санкция чўчита олмади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ядровий дастури учун жазо чораларини киритганига қармай, Эрон урани бойитишни давом эттириверади.

Мамлакат раҳбари Махмуд Аҳмадинаҳод Хавфсизлик Кенгаши қарорига муносабат билдирар экан, шу ҳақда маълум қилди ва жазо санкцияларини бир парча қоғоз, деб атади. Эрон президентининг сўзларига кўра, бу қарор Эронни қўрқита олмайди ва атом электр станциялари курилишини тўхтатиб қолмайди. «Фарбинг» шубҳалари ўринсиз, Эрон ядровий дастури электр энергия ишлаб чиқаришга қаратилган тинч дастурдир», - деди Махмуд Аҳмадинаҳод. 23 декабрь куни БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга ядровий материаллар етказиб беришни чекловчи ва мамлакатнинг чет элдоги ҳисобларини музлатишга қаратилган санкцияни қабул қилди.

Тоннель хавф остида

Европада Рождество байрами олдиндан террорчилик таҳдидининг олдини олишга қаратилган хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

Франция ташқи разведка бошқармасининг кўлга киритган ишончли маълумотларида келтирилишича, террорчилар Рождество таътиллари кунинда Ла-Манш остидан ўтган тоннелда йирик қўпуровчиликни амалга оширишни режалаштирмоқда. Ушбу поезд тоннели Франция ва Буюк Британияни бирлаштириб туради. Европанинг кўпгина давлатлари ҳукумати одамларни оғох бўлишга чақирмоқда.

Сиёсат ўзгаришга муҳтож

Ироқ маркази Бағдодда қўлбола бомбанинг портлаши оқибатида 6 нафар америкалик аскар ҳалок бўлди.

2003 йил март ойидан буён Ироқда ҳалок бўлган Америка аскарларининг сони 3000 нафарга етган. 22,5 минг нафар ҳарбий тан жароҳати олган. Мутахассислар фикрига кўра, АКШ армияси охириги икки ой мобайнида энг кўп йўқотишларга дуч келган. АКШ мудофаа вазири Роберт Гейтс уч кун мобайнида Ироқдаги вазиятларни ўрганиб қайтар экан, ахвол кўтилганидан ҳам оғирлигини баён этган. Гейтс Жорж Бушга Ироқда олиб борилаётган стратегия ва сиёсатни тубдан ўзгариштириш лозимлигини айтди. «Акс ҳолда вазият шу даражага етмадики, уни изига туширишни иложи бўлмай қолади», - деди Пентагоннинг янги раҳбари.

Грипп хуружи

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати 2007 йилда грипп билан юз бериши мумкин бўлган хавотирли маълумотни тақдим этди.

Мутахассислар маълумотига кўра, агар 2007 йилда грипп пандемияси хуруж қилса сайрамининг 60 миллион одами ҳаётдан эрта кўз юмиши мумкин. Грипп пандемияси ҳозирги давр атраф-муҳити ҳолатига кўра, ўта хавфли бўлади. У авж олганда, энг аввало, ривожланган давлатлар бундан кўп талафот кўриши мумкин. Грипп пандемияси ҳар юз йилда 1 ёки 2 марта юз берилади. 1918-20 йилдаги «испанка» гриппи хуружи Ер юзидан 50 миллион одами олиб кетган эди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳоризий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	971,29	1 Польша злотийси	425,84
1 Англия фунт стерлинги	2426,06	1 СДР	1867,17
1 Дания кронаси	218,24	1 Туркия лираси	870,18
1 БАА дирҳами	337,85	1 Швейцария франки	1015,64
1 АКШ доллари	1240,00	1 ЕВРО	1625,89
1 Миср фунти	217,35	10 Жанубий Корея вон	13,36
1 Исландия кронаси	17,09	10 Япония йенаси	104,35
1 Канада доллари	1071,00	1 Россия рубли	47,16
1 Хитой юанси	158,58	1 Украина гривнаси	245,54
1 Малайзия ринггити	351,08		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

(Боши 1-бетда)

«Богбон эмасиз-да, - деди у қилиб, - мевали дарахтининг гули тегириб ташланганини қаерда кўргансиз? - Японияда, Германияда кўрганман, - дедим мен ҳам бўш келмай, - дарахтининг гули нечоғлиқ сийрак бўлса, ҳосил шунча йирик, чироили бўлар экан. - Э, қизиқ одам экансиз, сиз айтган мамлакатларда мевали дарахт тақчил бўлади. Юзта одамга бир тугдан тўғри келгандан кейин атрофида уй-...

Шафтоли гуллаганда

Уша зое кетган, армонли яқшани бўлаб ҳозиргача афсус чекаман. Ушанда катъиятлорқ бўлиб, бошлаган ишмин килиб қўганимда, балки менинг боғимда ҳар бири нақд чойнакдек шафтолилар етилиб қўшилариمنى меҳмон қилардим, ҳаммани койил қолдирардим. Балки... яна ким билади, дейсиз. Ахир мен богбон эмасман. Ҳар қалай, бу воқеани давраларда ҳикоя қилсам, кўлар мароқ билан тинглашади, қулашади, лекин биронинг баҳорда мевали дарахтдан гул чиллигини кўрмадим, эшитмадим. Европа супермаркетларида кўриб ҳавас қилганим сархил мевалар энди Олей бозорига ҳам, Эски Жувага ҳам оlib келди. Лекин уларнинг кўпи Бешарқидан ёки Хасанбойдан эмас, олис Эрондан келган. Узимизнинг мазалироқ ва фойдалироқ жайдари институтимиз, унда қилни қирқ ёрадан олимларимиз бор. Зероки, гап шафтоли гули устида ҳам эмас, балки юрт боғларига, ҳар бир гулу дарахта меҳр-муҳаббат ҳақидадир. Бог учун Кўёш ҳарорати баробарида инсон юрагининг тафти ҳам керак. Ватанимизда меҳмон бўлган япониялик депутатнинг бир сўзи ёдимда қолган: «Игирманчи асрада техникаси бой мамлакатлар қудратли бўлиб, йигирма биринчи асрада озиқ-овқат саноати ривож топган юртларнинг омади келади. Негаки, компьютерни инсон йилларда бир янгиласа, дастурхонни ҳар кун уч маҳал янгилайди. Сизнинг қуёшли, куруқ иқлимнингизда етишадиган шифофас, мазаги мева ҳам, чорва маҳсулотлари ҳам дунёда йўқ. Уч кунгина юртингизда турдим дунёга ўзбекча бўлиб келганимга афсусландим», деган...

Ўйинчоқ билан «ўйнашган»лар

Сирдарё вилояти божхона ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир доирасида Тошкентдан Сурхондарёга кетаётган Т.Ҳайитов бошқарувидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобус тўхтатилиб, текширилди. Автобус юкхонасида Сурхондарё вилоятида яшовчи бир неча нафар фуқароларга тегишли бўлган хорижда ишлаб чиқарилган, киймати 20 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар орасида юртимизга ноқонуний равишда олиб кирилган, оғирлиги 295 килограмм, 700 минг донга ҳар хил турдаги пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди. Вилоят божхоначилари яна бир ҳолатда айланма йўллар орқали юртимизга кириб келаётган БАБ-дуллаевага тегишли юкларни текширишдан ўтказишди. Натихада, бу аёл ҳам ўзи билан қўшни Қозғистондан ноқонуний равишда жами 30 минг донга пиротехника воситаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз республикамизга олиб келганлиги аниқланди. Сирдарёлик божхоначилар Х.Бобуровлов бошқарувидаги «Икарус-25059» русумли автобусни тўхтатиб, унинг оқхонасини ҳам назоратдан ўтказишди.

Божхона

Текширув натижасида эса юртимизда Ш.Саломова ўзи билан қўшни Қозғистондан сотиб олган, умумий нархи 1,5 млн. сўмдан ортиқки ташкил этувчи 45 литр спирт, жами 143 минг 400 донга пиротехника воситалари ва 3 минг 700 донга салотларни ноқонуний тарзда Самарқанд вилоятига олиб кираётганда ушланди. Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам бу йўналишда қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Яқинда вилоятнинг «Боймурод» ҳаракатдаги божхона пости ходимлари томонидан «ВАЗ-2121» русумли автоулов тўхтатилиб, текширилганда, унда республика камиз фуқаролари Б.Ибрагимов ва А.Тўраевларга тегишли бўлган, чет элда ишлаб чиқарилган, 73200 донга «Тренинг» номли пиротехника воситалари борлиги маълум бўлди. Умуман олганда, соҳа ходимлари томонидан жорий йилнинг шу кунига қадар жами 75 та ҳолатда оғирлиги 2,5 тонна ёки янада аникроқ қилиб айтганда, 2 млн. донга яқин пиротехника маҳсулотларининг юртимизга ноқонуний кириб келишининг олди олинди. Н.САЛОМОВ

олмамиздан кўра ўша дастурхонбон «келгинди» олмалар беш-ўн баробар қадрлироқ, қимматроқ...

Менинг бу ёзганларим кўнгил кечирмалари, ҳолос. Биз богбонга мева етиштириш, баҳорда гул чилпиш, қайсида яхоб беришни ўргатсам, богбон бизга шөвр ёзишни ўргатиши керак бўлади. Ризамат отадек пирикомил, Махмуд Мирзаевдек машҳур академикларни етиштирган богбон халқимиз бор. Дунёга номи кетган Шредер номли илмий-текшириш эди у.

Япониялик меҳмоннинг сўзини тинглаб ўшанда бир тарих ёдимга келган эди. Йигирманчи аср бошларида машҳур тошкентлик Орифхўжа бой юрак хасталигини даволаш учун Фарангистонга - у пайт Францияни ва бутун Европани шундай аташарди - борган экан. Дунёга номи кетган докторлар уни кўриб, текшириб, катта пул эвазига зар қоғозга ўроғлик бир қутичада дори беришибди. Дорининг жуда узок мамлакатдан олиб келингани ва бағоят фойдали эканини айтишибди. Орифхўжабой дорини очиб кўрса ўзимизнинг жайдари туршак экан.

У хайрон бўлиб, бу мева бизнинг боғларимизда тўқилиб ётади-ку, деса, докторлар, шундай юртда яшар экансиз, Фарангистонда сизга нима бор, дейишган экан. Бу - элда машҳур бўлган, она юрт қадрини улуғловчи ибратли ҳикоя. Дарҳақиқат, бекбёс имкониятлар ватанида яшаймиз. Ўзбекистон келажак буюк, деган ҳикматда улкан ҳақиқат бор. Мамлакатимиз раҳбари томонидан ерни ўз эгаларига бериш, аграр секторни ривожлантириш, бу соҳадаги экспорт имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ва амалга оширилган тадбирлар ҳам ўша буюк келажак томон қўйилган залворли қадамлардир.

Тиллога бергисиз еримиз, иқлимимиз бор. Ер-сув ўзимизники, Ватан ўзимизники. Бизга барча имконият берилган, барча йўллар очик. Озроқ қуюнчақлик бўлса бас... Вақт келарки, Махшад бозорини Паркентнинг узуми, Париж супермаркетларини Қуванинг анори, Пекин ярмаркаларини Сирдарёнинг қовуни босиб кетар. Ушандай кунларни, иншооллох кўрармиз.



«Башорат қилиш осон эмас»

—Дехқонларимиз яратган галла ҳосилини қайта ишлаб, халқимиз дастурхонига етказиб беришдек шарофли ишни бажараётганимдан фахрланаман, - дейди «Фарғонадон» акциядорлик жамияти ун қадоқловчиси Собирахон Мамажонов. Айни пайтда «Фарғонадон» акциядорлик жамиятида кунга 220 тонна галла қайта ишланмоқда. Шунингдек, жамият маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилмоқда. СУРАТДА: ун қадоқловчи Собирахон Мамажонов.

Спорт ёш танламайди

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан соҳа фахрийлари бир пиёла чой устида гурунглашиб, ўз кенгашларини тузиш фикрига келдилар. Спорт фахрийлари кенгаши раиси ва ижрочи директори сайланди. Кенгаш жаҳон, Осиё ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда муносиб қатнашган соҳа спортчилар тажрибасидан фойдаланиш, улар тўғрисида гамхўрлик қилиш сингари юмушларни мувофиқлаштириб боради.

Маҳорат кўриги

Вилоятда 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ўтказилаётган ҳарбий-ва танпарварлик ойлиги қизгин паллага кирди. - Курсантларимиз Н-ҳарбий қисмида бўлиб аскарлар ҳаёти билан танишдилар, турли беллашуларда жисмоний тайёргарликларини синовдан ўтказишди, - дейди Буҳоро автомобилчи мактаби директори ўринбосари А.Жалилов. - Турли ўрашуви ва давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ҳам ёшларни армия хизматига тайёрлашда кўл келаяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан соҳа фахрийлари бир пиёла чой устида гурунглашиб, ўз кенгашларини тузиш фикрига келдилар. Спорт фахрийлари кенгаши раиси ва ижрочи директори сайланди. Кенгаш жаҳон, Осиё ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда муносиб қатнашган соҳа спортчилар тажрибасидан фойдаланиш, улар тўғрисида гамхўрлик қилиш сингари юмушларни мувофиқлаштириб боради.

«Башорат қилиш осон эмас»

(Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, Ерининг сунъий йўлдошидан фотосуратлар олиб туради. Бу маълумотлар ҳар уч соатда янгилашиб, кечю кеч қўзғатиб борилади. Шу тахлит ҳарорат, намлик, шамол тезлиги ўрганилади, кузатувлар тахлит қилинади, об-ҳаво хариталари бот-бот қўздан кеңирилади. Ана шундан сўнг бир тўхтама келамиз. Кундалик, келаятган 5 кунун об-ҳаво башорат қилинади.

—Бу башоратлар ўзини нечоғли оқлайди? Янглишиш ҳолатларини мутахассислар қандай изохлайди? Ҳар ҳолда аҳолининг ишонсизлик кайфияти шунчаки гап эмас...

—Халқимиз Худонинг берган об-ҳавоси-да, дейишади. Буни инкор қила олмаймиз. Биз фақат излашларимиз, кузатув ва мажбур маълумотларга таяниб башорат қиламиз. Ростини айтиш керак, табиат - барбир табиат-да! Соат сайин ўзгариб туради. Гоҳида беҳосдан шиддат билан совуқ ҳаво оқимлари келиб қолади. Баъзида бунинг акси... Демокчи бўлганим табиат олдида инсон мудом ожиз.

Биз қандай вазият бўлмасин иложи борича тўғри ва аниқ башорат қилишга интиламиз. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Таъкидлаш керак, олдинлари маълумотлар йиғишдан тортиб, жадвалу чизмалар қўлда-бажарилар эди. Ҳозир зияматлар тўлиқ компьютерлаштирилган. Зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган. Европа ва Америка метеомарказлари билан ҳамкорлигимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Улардан об-ҳаво хариталарини, 5 километр тепалиқдаги келажак қатлам ҳолати ҳусусидаги маълумотларини мунтазам оламиз. Ана шундай кенг қўламада ўрганишлар асосида пшиқ, пухта қарор қабул қилаётганимиз бос башоратлар ўзини оқлайпти. Буни рақамларда айтганда бўлсақ, тўғрилик даражаси 80-90 фоизни ташкил этади.

Тўғри, баъзан янглишиш ҳолла-

ри учрайди. 5-6 соат, айрим вақтларимиз суткага фарқ сезилади. Чунки баъзи пайтларда ҳаво массалари, булутлар келиши бир оз кечикади-да. Лекин марказ мутахассислари томонидан кузатилган об-ҳаво тахлими мунтазам юрилади: нега бундай бўлди? Шу тарихи башоратлар нечоғли аниқлиги ўрганилади, хатолардан хулоса ясалади.

затилган йил сифатида таърифлашган эди. Яқунлаётган жорий йилга синоптиклар қандай баҳо беришпти? - Республикаимизни тўртта - Фарғона водийси, жанубий, шимолий ва марказий ҳудудга бўлиб ўргандик. Дейлик, 1998 йили ёгингарчилик кўп, 2000 йили эса камроқ бўлган. Жорий йилнинг ўн ой яқинига кўра айтганда, ёгингар-

Узингиз бир эътибор беринг-а. Кишни қор билан қарши олдик. Демак, хулоса ўзингизга ҳавола... Об-ҳаво ҳақида гап кетганда кейинги йилларда кузатилаётган иссиқ ҳарорат кишини ташвишга солади. Фаслларнинг қўзилиши, хароратнинг кўтарилиши... Умуман дунё бўйича иқлим ўзгариб борапти. Бунинг сабаби нимада? Бу қачонгача давом этиши мумкин? Марказнинг Агротехник ресурслар ва агроэкология мониторинги бўлими бошлиғи, иқлимшунос Аъло Абдуллаевнинг саволларга жавоби қуйидагича:

—Соҳа мутахассислари Ер иқлими ўзгаришларини куруқлик, денгиз юзларининг ўзгариши, оқимларнинг йўналиши ва қувватининг фарқлиниши билан боғлайди, - дейди у. - Шунини таъкидлаш кераки, ҳозирги вақтда бу ҳодисани тушунтирадиган ягона қоида мажбур эмас.

Иқлимнинг табиий ўзгаришлари жуда секин, асрлар ёки миллионлаб йиллар мобайнида рўй беради. Олимларнинг фикрича, иқлимнинг бундай тез ўзгаришига инсонларнинг ҳўжалик фаолияти сабаб бўлаяпти. Чунки кейинги пайтларда ёқилги ёки суруяти кескин охиб кетмоқда. Бунинг оқибатида атмосферадаги СО₂ газининг концентрацияси йил давомида умумий миқдори 0,2 фоизга ошаётди. Бу эса Ер юзасидаги ҳаво хароратининг яна ҳам кўтарилишига олиб келиши мумкин. Охир-оқибат Ердаги ҳаётга, озиқ-овқат хавфсизлигига, сув ресурсларига, бир сўз билан айтганда, барқарор таъсир кўришга шукд таъсир этади. Таъкидлаш керакки, далолат беряптики, иқлим ўзгариши маълум даражада инсоният ҳусусияти, кайфияти, ҳаттоки, турмуш тарзи, фикрлашига, соғлиғига ва маданиятига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Аммо шунингизни ўраб турган нозик ҳаво қатлами ҳусусиятининг ўзгаришига асл сабабини инсониятнинг ўзи эканлигини хануз англаб етганимиз...

йўқ. Шунинг учун иқлимий ресурсларни ҳимоя қилиш, тоза ҳаво, тупроқ ва сувни келажак авлодга саклаш учун дунё миқёсида тинимсиз кураш олиб боришмоқда. Бунга ҳар бир фуқаро муносиб улуш қўша яқин бўларди.

—Иқлим ўзгариши илгарилари ҳам кузатилагани ёки фақат бизнинг замонамизга хосми? - яна сўраймиз суҳбатдошимиздан.

—Геологик-архив манбалардан маълум бўлишича, бундай ҳолатлар ўтган даврларда ҳам содир бўлган. Лекин кейинги даврда дунё миқёсида глобал иссиқ рўй бермоқда. Уртача ҳарорат 0,6 °С юқорига кўтарилган.

Келинг, шу ўринда рақамларга мурожаат қиламиз. Дунё бўйича хароратнинг илшини натижасида денгиз сувларининг ўртача сатҳи 10-20 см кўтарилган. Бу кўрсаткич олимлар томонидан сўнгги 3000 йилдаги нисбатан 10 маротабадан ошган, деб ҳисобланмоқда. Шимолий ярим шардаги денгиз музлитининг узунлиги эса сўнгги 50 йил ичида тахминан 10-15 фоизга қамайган. XX асрда денгиз ва дарёлар муз қопламанинг давомиийлиги тахминан 2 ҳафтагача қисқарган. Сўнгги 45-50 йил ичида ёзнинг охири ва кўзининг бошланishi даврларида шимолий муз океанининг муз қатлами 40 фоизга озайган.

Яна бир далил. Охириги 10 йилликда дунё миқёсида гидрометеологик офатлар миқдори 2 маротаба ошган. Буларнинг бари хароратнинг охиб кетиши билан тушунтирилмоқда. Таъкидлаш кераки, Ерининг иссиқлиги яна озгина кучайса, сув тоқинлари кўпайиш эҳтимоли ҳам ортади. Шу боис инсонларга қарата табиатга таъавбузкор бўлманг, денгизга келадик. Негаки, иқлим ўзгаришига ўзингиз сезмаган ҳолда сабаби бўлиб қолмайсиз. Дейлик, яйлов, даст ерлар ҳайдалса шу жойларнинг иқлимига қатта таъсир кўрсатади. Сабаби шудорланганда кўш радиациясининг бир қисмини тўсиб қолувчи ўтлоқлар йўқ бўлиб кетади. Натихада, тупроқнинг иссиқлик ва намлик режими ўзгаради. Экинлар нотўғри суғорилишининг оқибати ҳам бундан ҳам эмас. Хуллас, ана шундай кичик хатолар йиғилиб, глобал муаммолар тўғримоқда. С.РАҲМОНОВ тайёрлади.



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Сизларни яқинлашиб
Келаётган Янги йил байрами билан
чин дилдан муборакбод этамиз.**

Президентимиз томонидан

“Ижтимоий ҳимоя йили”

**деб эълон қилинган 2007 йилда
барчангизга сўхат-саломатлик,
ишларингизга ривож, хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик, кут-барака
тилаймиз.**

**Давлат акциядорлик-тижорат
“Асака” банки жамоаси.**



2007



Республика Акциядорлик Тижорат “Галлабанк”

мустақил республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган янги — 2007 йил биган муборакбод этади! 2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили”да ҳар бир оиллага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ҳамда мишрий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини тақлиф этади:

“МУКОФОТ”

омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм.

омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қуйилган куни, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 500 минг сўм.

“SOVG’A”

омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм.

“МЕНН”

жамғармали омонат турига 11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, дастлабки қуйилган омонат устига ҳоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган.

“МО’ЛЖА”

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши “Галлабанк” томонидан кафолатланади. “ГАЛЛАБАНК” омонатлари — келгуси даромадларингиз кафолатидир!

“Галлабанк” хонадонингизга барака келтирсин!



Ўзбекистон Республикасининг Давлат тижорат Халқ банки

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини муқаддас “Қурбон” Ҳайити байрами ҳамда яқинлашиб келаётган Янги 2007 йил — “Ижтимоий ҳимоя йили” билан самимий муборакбод этади.

Азилар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни кут-барака, қалбингизни қувонч ҳел қадон парк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо барқарор бўлсин.

Байрам муносабати билан мижозларга қуйидаги омонат турларини тақлиф этамиз:

ТАШАББУС-1

— сақлаш муддати **3 ой**, йиллик **18%** даромад тўлаш шarti билан, бошланғич бадал камида **100 000** сўм.
Омонатчининг хоҳишига кўра омонат очилган куннинг ўзида ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромади нақд пулсиз фойдаланилган коммунал тўловлари учун олдиндан ўтказиб берилиши мумкин.

ИМКОН

— сақлаш муддати **6 ой**, йиллик **18%** даромад тўлаш шarti билан, бошланғич бадал камида **150 000** сўм.
Ҳар ойда фоиз даромади тўланади.

САМАРА

— сақлаш муддати **1 йил**, йиллик **18%** даромад тўлаш шarti билан, бошланғич бадал камида **200 000** сўм.
Омонатчи ҳар ойда фоиз даромадини олиш ҳуқуқига эга.



**ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН
ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ.**

МИНСК БЕЛАРУС ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон
Республикасидаги
расмий дилери орқали



**МТЗ “Беларус”
ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА
ВА УПАР УЧУН ЭХТИЁТ
ҚИСМЛАРИНИ
ТАҚЛИФ ЭТАДИ.**



**КАММАЗ
АРСЕНАЛ**

Манзилимиз: Тошкент ш.,
Брiтиславо кўчи, 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Утериний гос.ордер № 04-01/424 от 07.12.1992 г. права собственности на квартиру на имя Кочевой Зинаиды Гавриловны, считать недействительным.

Утериний гос.ордер № 10-01/13526 от 25.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Туралиев Низзали Акбарович, считать недействительным.

ДП “YO’LSINOVCHI” и ДП “YO’L-LOYINA BYUROSИ” сообщают о реорганизации в форме слияния в ООО “YO’L-LOYINA BYUROSИ” (код по ОКПО 17400755). ООО “YO’L-LOYINA BYUROSИ” становится правопреемником всех долгов и обязательств ДП “YO’LSINOVCHI” и ДП “YO’L-LOYINA BYUROSИ”. Претензий принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Пушкина, дом 68 “А”.

ЧФ “ALISHER-TIBBIVOT” (ОКОНХ 91511) реорганизуется в ООО “ALISHER-TIBBIVOT”. Менять юридический адрес с Яхсарайского района — ул.Бабура 40 “Б”, кв.29 на Халкском районе — ул.М.Ашрафи дом 24 и увеличивает Уставной фонд с 100000 сум до 13 465 000 сум. Претензии принимаются в течение 10 дней со дня опубликования объявления. Тел.: 191-26-38.

ООО “VISOT STROY MONTAJ” Юнусабадского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 9 050 000 сум до 1 700 000 сум. Претензии принимаются в течение 5 дней со дня опубликования объявления по адресу ул.А.Темур, 100.

ООО “AVANGARD LIGHT” Сергелийского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 69 400 000 сум до 400 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 135-08-75.

Согласно постановления № 1127-1 от 18 апреля 2005 года ЦКФРЦБ РУз, компания “TILBROOK INTERINVEST LTD”, расположенное по адресу: AKARA BLDG, 24 DE CASTRO STR WICKHAMS CANY, ROAD TOWN, TORTOLA, BVI. Сообщает о намерении приобретения акций простого именных безналичных эмитента OAJ OK “OZSHANARSOLIK LITI” г.Ташкент, расположенного по адресу г.Ташкент, ул.Навои, 18. Количество приобретаемых акций — 1 581 769 штук. Тип приобретаемых акций — простая именная безналичная. Процент приобретаемых акций — 29,70 % от Уставного фонда.

“OOXIZ” кўшма корхонаси марказ томонидан 12 декабрь 2003 йил RU 301P0651T2 рақами билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласи ва 9 февраль 2004 йил RU 302P0651T0 рақами билан рўйхатга олинган эмиссия рисолалари бўйича “OOXIZ” кўшма корхонаси ва инвесторлар орасида бўғулай сўдиррилган. Шунга асосан кўшиқда келтирилган эмиссия рисола-ларининг тугатилишини маълум қилади.

Утериний гос.ордер № 06-05/1093 от 29.03.1994 г. права собственности на квартиру на имя Коржиной Светланы Николаевны, считать недействительным.

SPORT OLAMIDA

"Пахтакор" ва "Нефтчи"нинг рақиблари маълум

Осиё Футбол конфедерациясининг Куала-Лумпурда жойлашган қароргоҳида Осиё Чемпионлар лигасининг 2007 йил мавсуми учун қуръа ташланди. Унда иштирок этадиган мамлакатимизнинг икки ўтақчи жамоаси кучли рақиблар билан бир гуруҳдан жой олди.

Равшан Хайдаров етакчилигидаги "Пахтакор" "В" гуруҳида "Кувайт СК" (Кувайт), "Ал-Хилол" (Саудия Арабистони) ва "Истиклол" (Эрон) клубларига қарши кейинги босқичга чиқиш учун "хисоб-китоб" қилади.


Фарғонанинг "Нефтчи"си эса "С" гуруҳидан жой олди. Юрий Саркисян шогирдларига "Ал-Карам" (Сурия), "Ал-Нажаф СК"

(Ироқ) ва "Ал-Садд" (Катар) клублари рақиблик қилади.

Қуръа натижасидан кўри-ниб турибдики, икки клуби-миз ҳам араб жамоаларига

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар ҳамда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаларининг ҳам бахсларидаги рақиблари маълум бўлди. Ёшлар терма жамоамиз мазкур бахсларни "D" гуруҳида бошлайди ҳамда Иордания, Яман, Непал, Фаластин ва Афғонистон терма жамоаларига қарши тўп суради.

Ун олти ёшгача бўлган футболчиларимиз ҳам саралаш бахсларида "D" гуруҳидан жой олишиди. Рақибларимиз эса Тожикистон, Бангладеш, БАА, Фаластин, Туркменистон терма жамоалари бўлишиди. Саралаш ўйинлари якунида ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни кўлга киритган миллий жамоалар Осиё чемпионати финал босқичига йўл олади.



қарши бахс юритади. Араб футболчиларига қарши тўп суриш эса осон кечмаслиги аниқ. Шу боис, "Пахтакор" ва "Нефтчи" вакиллари бу клубларга қарши юқори жисмоний тайёргарлик кўриш билан бирга, актёрлик бобида ҳам маҳоратларини тобшларлари лозим. Акс ҳолда...



Артур — йил спортчилигига номзод

Халқаро спорт матбуотлари уюшмаси (AIPS) "Йилнинг энг яхши эркек спортчиси", "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси", "Йилнинг энг яхши жамоаси" ва "Матбуот ишлари учун энг яхши шариоит" йўналишлари бўйича даявогарлар номини эълон қилди.

"Без спортнинг хабар беришича, номзодлар орасида ўзбекистонлик бир нафар спортчи ҳам бор. У эркин кураш бўйича Сидней Олимпиадаси кумуш медали соҳибига, Афина Олимпиадаси қолиби, икки карра жаҳон ва кўп карра Осиё чемпиони ҳамда XV қитъа ўйинлари олтин медали эгаси Артур Таймазовдир.

2006 йилнинг "Энг яхши спортчиси" номини кўлга киритиш учун унга яна 18 спортчи рақиблик қилмоқда. Улар — Фернандо Алонсо (Испания, "Формула-1"), Уле-Айнар Бьорндален (Норвегия, биатлон), Жанлуиджи Буфон (Италия, футбол), Жо Кальзаге (Буюк Британия, бокс), Фабио Каннаваро (Италия, футбол), Тим Дон (Буюк Британия, триатлон), Мариан Драгулеску (Руминия, спорт гимнастикаси), Роже Федерер (Швейцария, теннис), Жилберто Жива (Бразилия, волейбол), Ник Хайден (АҚШ, мотоспорт), Александр Овечкин (Россия, хоккей), Асафа Пауэлл (Ямайка, енгил атлетика), Бенжамин Райх (Австрия, тоғ чанғиси), Роналдиньо (Бразилия, футбол), Валентин Росо (Италия, мотоспорт), Михаэл Шумахер (Германия, "Формула-1"), Тайгер Вудс (АҚШ, голф), Зайниддин Зидан (Франция, футбол).

"Йилнинг энг яхши аёл спортчиси" йўналишига эса куйидаги спортчи номинлар даявогарлик қилишмоқда: Чикари Ичо (Япония, эркин кураш), Николь Кук (Буюк Британия, велоспорт), Жюстин Энен-



Арденн (Бельгия, теннис), Елена Исинбаева (Россия, енгил атлетика), Лейзель Жонс (Австралия, сузши), Яница Костелич (Хорватия, тоғ чанғиси), Лор Маноу (Франция, сузши), Амели Моресмо (Франция, теннис), Зара Филипс (Буюк Британия, от спорти), Санья Ричардс (АҚШ, енгил атлетика), Йоши Такешина (Япония, волейбол), Бет Твидл (Буюк Британия, спорт гимнастикаси), Кси Ксиньфань (Хитой, волейбол).

Акинфеевга испанияликлар тан беришмоқда

Испаниянинг "El Mundo Deportivo" нашриёти журналистлари Россия терма жамоаси ва ЦСКА клуби дарвозабони Игорь Акинфеевнинг "Европа-нинг энг яхши ёш посбони" сифатида эътироф этишмоқда. Шунингдек, испаниялик қаламқашлар Игорни Лев Яшиннинг муносиб издоши, дея баҳо-Эндигина 20 ёшга тўлган май, Акинфеев ЦСКА ва Россиянинг асосий дарвозабонигурди. Бундан ташқари, Лон-клуби уни ўз сафига қортиб ўтатиши, 2007 йил эида "Арсенал"ни Йенс Леманн тарк этади ва клуб раҳбарлари россиялик ёш дарвозабонни унинг ўрнини босишга энг асосий номзод, деб ҳисоблашган.

Акинфеевнинг ўзи ҳам "Арсенал"да ўйнашга қарши эмас. Агар лондонликлардан расмий таклиф тўша, ўйлаб кўриши-ни айтиб ўтган. Мутахассислар бу трансфер 5 миллион АҚШ долларидан каммига амалга ошмаслигини тахмин қилишмоқда.



Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Муборакбод этамиз

Сурхондарё вилояти "Пахтасаноат" бирлашмаси жамоаси пахтакорлар, фермерларни, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси таркибида фаолият юритаётган пахтони қайта ишлаш корхоналарининг ишчи-хизматчиларини,

барча ҳамюртларимизни кириб келаётган 2007 йил билан чин дилдан муборакбод этади. Янги йил юртимизга қут-барока, фойз-тароват, халқимиз достурхонига тўқинлик, она заминимизга саховат ва мўл ҳосил олиб келсин.

Мустақиллигимиз абадий, тинчлигимиз барқарор бўлиб, ҳар бир инсон қалбидан эзгу ниятлари рўёбга чиқиб, Оллоҳ насиб этсин. Шўбларимиз қўнайиб, бахтли ва қувонгли кунларимиз Зиеда бўлаверсин.

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк кўтаралган фурголар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Ўрмончилик Табиат барометри

Мутахассислар тили билан айтганда, ўрмонлар табиат мувозанатининг бир меъёрида сақлаб туриши воситаси сифатида ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Қипчоқ ўрмон хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Қипчоқ ўрмон хўжалиги та-сарруфидида 19077 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 4547 гектари ўрмон билан қопланган.

—Бу йил яна 8 гектар ерда янги ўрмонзорлар барпо этиши режалаштирилган, — дейди ўрмон хўжалиги раҳбари Саъдулла Давлатбоев. — Баҳор ойларида 5 гектар ерда бу иш амалга оширилди. Ноябрь ойида қолган 3 гектарига янгидан қўчатлар ўтказдик. Бир гектар жойда қўчатона барпо қилдик. Шунингдек, 200 гектар ерда зараркундаларга қарши курашиш ишлари олиб борилади. Зараркундаларни еб битирувчи кушларнинг ўрмонлари-мизда яшаб қолиши учун 200 дан кўп уялар қуриб ўрнатдик.

Бош ўрмонбеги Я.Умрзоковнинг таъкидлашича, Ўзбошимчилик билан дархатларни ке-сини, ўрмон ичида мол боқиш каби қоидабузарликлар ҳам учраб турибди. Ана шундай 15 ҳолат бўйича айбдорлардан 608,5 минг сўм жарима ундирилган.

Хўжаликка қарашли Қипчоқ ва Назархон бўлимидаги ме-ханат қилаётган 12 нафар коро-вулнинг асосий эътибори ўрмонзорларни шу сингари қоидабузарликлардан, ёнган ва турли зараркундалардан сақ-лаш ишларига қаратилган.

Хўжаликда деҳқончилик иш-лари ҳам йўлга қўйилган. Беш гектар ерда этиштирилган пах-та, 3 гектардаги мақоажўхори, 2 гектардаги кунгабақар, по-лиса ва сабзавотлар ишчилар қорига ярамоқда. Хўжалик фон-дидаги 2767 гектар йилловлар-да қорамол, қўй-эчкилар боқиш учун фўқаролар билан тузилган шартномалар асосида ярим миллион сўмдан кўп даромад олинди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Шамоллаган бўлсангиз...

Шамоллашнинг дастлабки белгиларидаёқ беморни холироқ хонага ётқизиб, яхшилаб ўраб қўйиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим. Фақат шифокор атрофида кузатиб чиққангина кейингина бирор бир жиддий қарорга келиб, беморнинг қайси касаллик билан оғриганини белгилайди. Чунки, тумов белгилари инфекция хасталиклар бўлиши — грип, бўгма (дифтерия), қизамик ва бошқа касалликларга ўхшаб кетиши кузатилади.

Куйида биз шифокор тавсияси бўйича фойдаланиш мумкин бўлган халқ табиотида амалиётдан маълумотлар келтираемиз.

Шамоллаш билан боғлиқ изтиробли йўталдан кейин сут ёки сутни ичимлик содаси билан истеъмол қилиш томоқни юмшатади, товушни раво қилиб, оғриққа тасалли беради.

Агар устида пиширилган беҳи ёки шолғом орасига саримол ёхуд думба бўлагини қўйиб, қасқонда пиширилган истеъмол этиладиган бўлса, нафақат томоқни юмшатиб, оғриққа тасалли беришга қўлмасдан, балки зўраки йўталдан холи этиб, балғамнинг осон кўчишига омилкорлик қилади.

Агар тумов бўлган кишининг бу-

латтага бўктирилиб, сўнгра сиқиб ташлаб, уни оёқ остига тўшалади. Тўшама устидан иссиқ пайпоқ кийилиб, ўраб, кечаси билан ётилади.

Мабодо тумов сурункали тус олиб кетган бўлса, дорихоналар бисотидаги "Настойка календулы" ёки "Тирнокўл тиндирмаси"дан 1 чой қошиқ олиниб, бироз тузли илқ сува аралаштирилади-да, бурун билан тортилиб, оғиз орқали чиқарилади. Эритмани охиригача шу тарзда галма-галдан гоҳ у бурун теши-ги, гоҳ бу бурун тешигидан қокчи

Билиб қўйган яхши

турилади. Мазкур тадбир кунига икки маҳал — эрталаб ва кечқури-бажариладиган бўлса, тумов чўзилиб кетмайди.

Агар тумов энди бошланган бўлса, унда хона шароитида ўсти-риладиган семизак (каланхоз) бар-ги шарбати билан кунига 2-3 мар-

Утеранный аттестат № АУ 271822, выданный в 1993 году на имя Рисбаевой Нигоре Исхандаровны сред.ш. им.Алишера Навои № 4 г.Янгйуля Ташкентской обл., считать недействительным.

Утеранный аттестат О'Р-З № 1422327, выданный 20 июня 2002 году на имя Мирзаеву Биллодуну Бахромжоновичу сред.ш. № 34 Шайхонтоурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утеранный аттестат О'Р-З № 1422328, выданный 20 июня 2002 году на имя Мирзаеву Улугбеку Бахромжоновичу сред.ш. № 34 Шайхонтоурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утеранный гос.ордер № 04-21/681 от 09.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Королева Сергея Владимировича, считать недействительным.

Утеранный гувоннома серия ТА № 0253714, выданный 14 ноября 2006 года кадастром земельных ресурсов и недвижимости на имя ОАО "Ўзбекгасазсувқурилиш", считать недействительным.

МАКСУДАХОН АЯНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

"Электртармоққурилиш" ОАЖга қарашли 71-механизациялаштирилган колонна жамоаси шу ташкилот ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси **Михайл Петрович ИВАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Дано ХУЖАЕВА,
доришунос.

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ўткир РАҲМАТ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Савид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ҳатмат БАҲНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибиат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>h - тижорат мақола</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: С.РАҲМОНОВ Сархўфаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ Бош мусахҳач: Х.ТОШХУЖАЕВ</p>
--	--	---	--	--	---	---	---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1418, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.30. Адади - 11856

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6